

МУШТАРАК ҒОЯЛАРДА ТАСВИР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Саидова Биби Робиъаъ Азиз қизи
ТошДЎТАУ таянч докторанти
robiya25112016@mail.ru

Аннотация:

Ўзбек ва жаҳон бадиий адабиёти намунаси бўлмиш “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” ва “Абадият қонуни” икки хил услубда битилган бўлса-да ундаги асосий ғоя – жамиятнинг инсонга, инсоннинг жамиятга бўлган муносабати муштарак туйғулар асносида тасвирланган. Шунингдек, ҳар икки асарда бош мавзу асосан туш мотиви орқали ифодаланганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Мақолада образлар, диологлар, рамзлар орқали инсон шахсидаги эврилишлар ва мавжуд тузумнинг қиёфаси муштарак ғоялар асносида акс этгани берилган.

Калит сўзлар:

жамият, услуб, воқеалар динамикаси, рамз, шахс, эзгулик.

Адабиётнинг вазифаси инсон руҳини уйғоқ тутиш, унинг бу дунёга бежиз келмаганига, ўзи ҳам Худонинг бир мўъжизаси эканлигига ишонтириш, ҳаётни мукамал, инсонни комил қилишга йўл кўрсатиш бўлиб келган! Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” ва Нодар Думбадзенинг “Абадият қонуни” романларида ҳам ана шу асосни кўришимиз мумкин. Муаллифлар ўзини ҳам, ҳақиқатни ҳам, идеал туйғуларига, шахс ва жамият бобидаги саволларига жавобни ҳам ўша – юрагини хаста қилган жамиятдан излайди.

Думбадзени яққоқим мафкура уни тушига қочиб кетишга қўймас эди. У тузум яшаётган, гуллаётган, аммо келажаги номаълум эди. Адабиёт ҳам ўша жамият руҳсат берган ҳаводан нафас олаётган эди. У ўзининг асл руҳий дунёсини, ғоя ва фалсафасини ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг қиёфасида, уларнинг номидангина акс эттира оларди. У сюжетни қуришдан тортиб сўнгги диалоггача ўзини парча-парчаларга бўлиб яшириб чиқиши лозим эди. Бу борада шўро ёзувчилари анча уста бўлиб кетишган, сафнинг олдинги қаторларида Ч. Айтматовга ўхшаган забардаст ёзувчилари бор эди. Хуллас социалистик реализм мактаби такомил босқичида эди. Н. Думбадзенинг олдида ўзининг индивидуал маҳоратини кўрсатиш вазифаси турарди.

Нодар Думбадзе Аҳмад Аъзамдан фарқли равишда романда учинчи шахс номидан ҳикоя қилиш услубини танлайди ва бу услубнинг четдан туриб кузатиш, изоҳлаш, воқеалар маромини англаб боришда ўқувчига ёрдам бериш каби афзалликларидан маҳорат билан фойдаланади.

А. Аъзам роман аввалида ромanning ёзилиш сабаби, ўзининг мақсад-муддаосини изоҳлаб ўқувчини мутолаага тайёрлаган бўлса, Н. Думбадзе тўппа-тўғри воқеадан бошлайди, китобхонни бирдан жалб қилиш усулини қўллайди.

Н. Думбадзе асар концепциясига хизмат қилувчи воқеалардан шундай сюжет композициясини тузадик, гарчи туш, хотира, мактуб каби қўшимча эпизодлар киритилса ҳам ўқувчини воқеалар динамикасини чалғимасдан кузатиб боришига имкон яратиб беради.

Романда жамият ва шахс муносабатларини шарҳлаш, таъриф бериш йўлидан борилмайди, воқеа худди экранда кўрсатилаётгандек тасвирланади, диалог-суҳбатлар берилди ва хулоса чиқариб олиш, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини баҳолаш ўқувчининг ўзига ҳавола қилинади. Бу услуб ҳам ўқувчини фаол бўлишга, ёзувчи билан баравар қадам ташлаб, у ишора қилаётган рамзлар маъносини ўқиб беришга мажбур қилади.

Муаллиф роман конструкциясини рамзларга қуради:

Касалхонадаги палата – жами воқеалар кечадиган макон – мамлакат рамзи.

Беморлар, шифокорлар, уларнинг олдига келиб-кетувчилар – жамиятнинг модели. Демак, жамият хаста.

Палатада – мамлакатда уч киши – муҳаррир, депутат Бачана Рамишвили – давлат вакили рамзи бўлса, руҳоний Иорам – қоғозда, хўжакўрсинга эркинлик берилган дин рамзи, этикдўз Булика эса табиийки – халқ рамзини ифодалайди.

Тузум ўзига хизмат қилаётган бўлсада, зиёлини ҳам, дин пешвосини ҳам, оддий этикдўзни ҳам юрагини хаста қилган. Ёзувчи халқ тимсолида боғбон ёки ишчини эмас, этикдўзни танлаганига ҳам маъно юклайди. Этикдўз йиртиқларни ямовчи, ялангоёқлар мамлакатининг айбини ёпиб турувчи.

Романда ёзувчи жамият ва шахс ўртасида келиб чиқадиган ихти-лофларнинг сабабини очиб бериш учун ҳаётини воқеалардан фойдалана-ди. Тоталитар давлат ўз халоскорларини аямайдиган шавкатсиз ва қасд олувчи машина эканлиги Бачананинг ёшлигидаги воқеани келтириш орқали кўрсатади. Тоғда изғиб юрган давлат душмани бегуноҳ одамларни ўлдириб бутун туманга даҳшат солади. Ҳукумат ҳам, халқ ҳам ожиз. Бо-боси хасталикдан тоза ҳавода тузалиши учун ёш Бачанани тоққа, чўпонлар олдига юборган. Қароқчи буларни ҳам ғафлатда қолдириб талаб, чўпонлар бошлиғини отиб кетади. Ўн икки яшар Бачана унинг изидан тушиб, отиб ташлашга муваффақ бўлади. Аммо Бачанага ёпиштирилган “халқ душманининг ўғли” тамғаси уни комсомолга, партияга олганларида ҳам таъқиб этиб юради. У жамият учун бегона, шубҳали бўлиб қолаверади.

Ёзувчи қахрамон ички дунёсини очиб беришда бир неча бор туш услубига мурожаат қилади. Бачананинг тушида Исо алайҳиссалом билан суҳбатлари қалбан ёлғиз қолган шахснинг жамият ҳақидаги, олам ва одам ҳақидаги саволларига, изтиробларига жавоб бўлади:

“Бирдан қуёш гардишида инсон қиёфаси пайдо бўлди. Унинг кўланкаси Бачананинг устига тушиб турарди.

– Кимсан ўзи? – деб сўради Бачана.

Озгин, яланг оёқ, кўк кўз бир ўспирин унга тикилиб қараб турарди...

– Мен сенинг ҳукмдоринг ва қодир эгангман! – жавоб берди ўспирин.

– Буни нима билан исбот қиласан?

– Қаршингда намоён бўлганим – исботи эмасми буни?

– Йўқ! Сен саробсан!..

– ...унда нима учун одамларни тарк этдинг? – деб сўради Бачана.

– Одамларнинг ўзлари мендан юз ўгиришди, лекин мен одамзодни тарк этганим йўқ... – деди паст товуш билан ўспирин...

– Нимасан ўзинг, ё алҳазар?

– Мен ишончман, умидман, куч-қудратман, эзгуликман, оташин му-ҳаббат ва ҳурриятман!..

Шунда ўспирин:

– Кўнглингдаги энг эзгу тилагинг нима? – деб сўради.

“Нечун инсон бўлиб туғилдим, ё раб?

Нечун ёмғир бўла қолмадим?” –

Бачана Важа Пшавеланинг сатрларини ўқиди ва бирдан...

...Бачана ёмғирга айланди-ю, бирдан ўзи ана шу воҳа ўртасида учи осмонга тегай-тегай деб турган, илдизлари бутун ер юзига тарқалган, сершоҳ, улкан бир эман дарахти бўлиб қад кўтарди... Етти иқлимдан турли-туман хушовоз паррандалар учиб келиб, ана шу эман шоҳларига кўнишди, шу ерда маскан тутиб, шу ерда кўпайишди. Энди бутун оламга улуғвор ҳаёт кўшиғи тарала бошлади...”

Муаллиф романда жамиятнинг қиёфаси сифатида Бачанага пора кўтариб келган товламачилар, ўғрилар образларини киритиш билан бу қиёфани қабул қила олмаётган Бачананинг ички оламига олиб кириди.

Жамият эгалари томонидан черковдан хочнинг ўғирланишини имон-эътиқод ва диннинг барбод қилингани рамзи сифатида қабул қи-лиш мумкин.

Буликанинг ўлими, хаёлпараст Маргонинг ўлими поклик ва беғу-борликка бу жамиятда ўрин йўқлигига ишора.

Хўш, нажот қаерда? Бу саволга жавобни ёзувчи Бачананинг тушидаги ўлаётган Қуёшнинг сўзлари билан ифодалайди: “Муҳаббатга ҳаёт бахш этинглар, шунда мен ҳам қайта тириламман... Ёлвораман, одамлар, менга ҳаётни, севги булоғига ташна инсонларни ҳаёти этинглар!..”

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ғоя ва мақсадлари бир хил бўлган А. Аъзам ҳам, Н. Думбадзе ҳам бир давр ҳақида икки хил услубда ёзган романларида шахс ва жамият муаммоси умумбашарий масала эканлигини, унга жавобни инсон аввало ўз қалбидан излаши лозимлигини ўзига хос услубларда ифода этганлар.

А. Аъзам қаҳрамон туйғулари ва ҳиссиётлари тили билан гапирса Н. Думбадзе воқеалар тили билан гапиради. “Рўё...” да муаллиф ўқувчи билан ҳамсуҳбат бўлиб юрса, “Абадият қонуни”да муаллифни холис ҳикоячи тарзида кўрамиз. А. Аъзам китобхонни ўзи яратган ҳаёлий мамлакатга олиб кирса, Думбадзе ўқувчига ўзининг атрофидаги реал манзараларга қа-рашни таклиф қилади. Н. Думбадзе тасвирнинг анъанавий йўлини танла-ган бўлса, А. Аъзамда турли услублар синтезини кўрамиз.

Иккала ёзувчи ҳам шахс ва жамият масаласида бир хил саволга жа-воб излайди ва ўзи ҳам, руҳи ҳам эркин бўлишни хоҳлаган одамзод-нинг мукамал жамиятга етишиши йўлидаги умид чироғи ҳеч қачон ўчмаслигини эътироф этишади. Зеро бу орзу тафаккур қиладиган бутун инсониятнинг, диссертациямизнинг аввалида асарларига мурожаат қилга-нимиз Форобий, Ибн Сино, Беруний боболаримизнинг орзусидир.

Қолаверса, атоқли ёзувчимиз Ш.Холмирзаев “Адабиёт ўладими” мақоласида айтганидай: “Адабиётнинг бош мавзуи – Одамдир дейилган эски Ҳақиқат... айна чоғда Янги – демак, мангу ҳақиқат экан!

Демак адабиёт учун Инсондан қизиқ, Инсондан қадрли, Инсондан азиз ва инсондан ваҳший, ёвуз, йиртқич “муаммо” йўқ экан! Ва демак, унинг Мангу вазифаси ана шуни... ёзиш, очиш, кашф этиш, ҳа-ҳа: энг пинҳон тарафларини очиб билиш, пировардида, ана шу тарика Эзгуликка... Инсон камолотига ёрдамлашар экан”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А. Аъзам. Рўё ёхуд Гулистонга сафар, – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
2. Н. Думбадзе. Абадият қонуни. Мен, бувим, Иллик ва Илларион. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 1983.
3. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1986.